Ушбу сонда:
2 МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!
3 *Туман ижтимоий таъминот бўлимларида* ЮЗ ЁШЛИЛАР ДУОСИ
4 ТАРИХ – ХОТИРА МАШЪАЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 август, сешанба № 109 (756)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт соҳасида Ўзбекистоннинг шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ёш авлодни камол топтириш ва юқори маҳоратга эга бўлган спортчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан Абдумовлянов Абдумўмин Абдиқаҳорович Бекобод шаҳар каратэ миллий Федерацияси Президенти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан:

Нафасов Нурхон Зиятович Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 9 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг қозоқ миллатига мансуб бир гуруҳ зиёлилари шуни маълум қиламизки, Сиз олиб бораётган одил ва оқилона сиёсатнинг энг биринчи натижаси юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Бунинг учун Сизга Оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва куч-қувват тилаб қоламиз.

Ватанимиз мустақилликка эришганига саккиз йил тўлди. Бу - жуда қисқа муддат. Лекин шу давр мобайнида республикамизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Барча бунёдкорлик ишлари, катта ўзгаришлар шахсан Сизнинг раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингизда амалга ошганлигини биламиз. Шунинг учун Сизга халқимизнинг чексиз миннатдорлигини изҳор этамиз.

Шу йил 16 февралда Тошкентда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари бизларнинг қаҳр-ғазабимизни уйғотди. Биз аминмизки, қора кучлар ўз ниятларига ета олмайдилар. Биз мустақиллигимизни ҳар доим кўз қорачиғимиздек асраймиз.

Сизга чексиз
ҳурмат-эҳтиром билан:

**Спатай Минтаев,
Амирали Абдиров,
Рзали Якубов,
Кожан Сейтенов,
Минжас Торибоев.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ - МИЛЛАТ НЕГИЗИ

Маълумки, шу йил июль ойининг бошларида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтганди. Ушбу мажлис иштирокчилари қабул қилган қарорга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Кенгашнинг бўлимларини ташкил этиш бўйича Ташаббус гуруҳларининг йиғилишлари ўтказилиб, Республика Кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Куни кеча эса Тошкентда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан сайланган делегатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маънавий-маърифий тарғибот, тарбия йўналишларида фаолият кўрсатаётган вазирликлар, қўмита ва компаниялар, идоралар, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, уламолар иштирок этди. Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари Ҳ.Кароматов конференцияни очар экан, халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини, бу жараёнга маҳаллий ҳокимият идоралари, ижодкорлар, олимларни янада кенгроқ жалб этиш лозимлигини, умуман, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади.Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини тузиш зарурати ҳам айнан шундан келиб чиқади.

Конференцияда сўзга чиққан ёзувчилар Саид Аҳмад, А.Орипов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Ф.Собиров, Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири И.Фофуров ва бошқалар Кенгашнинг мақсад ва вазифалари, фаолият дастури хусусида батафсил гапирдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, Республика Маънавият ва Ямаърифат Кенгаши жамиятимиз барча аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва миллий мафкурага таянган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсонни улуғлашга, жисмонан соғлом, дунёқараши теран фуқароларни камол топтиришга йўналтирилган ишларни амалга оширади. Кенгаш мамлакат аҳлини истиқлол ғояларига садоқат, она заминга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан қуришдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ва амалга оширади. Бу режаларни рўёбга чиқариш учун Кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳ - «Маънавият ва маърифат» маркази фаолият олиб боради.

Конференцияда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият Дастури ва Низоми қабул қилинди.


Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Кенгаш раиси ўринбосарлари этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Зиё, Н.Жўраев сайланди. Кенгашнинг масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари этиб Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори вазифасида ишлаб келаётган А.Болиев сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

(ЎзА)







«Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда балки хорижий давлатларда ҳам талаб ортмоқда. Шу боис бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тез орада ўз харидорларини топмоқда. Ушбу йилнинг дастлабки олти ойи бу ерда 98 минг АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулот экспорт қилингани ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир. Ишчи-хизматчиларга шарт-шароитларнинг яхшилиги иш унумининг юқори бўлишини ҳамда маҳсулотнинг сифатлилигини таъминламоқда.

Айни кунларда бу ердаги мавжуд технологияларни янада мукаммал таъмирлашга, маҳсулот сифатини янада яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамият раҳбариятининг диққат-эътиборида турибди. Айниқса, бу ерда хизмат кўрсатаётган хотин-қизларга бир қанча қулайликлар яратилганлиги таҳсинга лойиқдир. Улар бепул дори-дармон, соғлиқни сақлаш жойларига бепул йўлланмалар билан таъминланмоқдалар. «Аёллар маслаҳати» ҳокимлик пункти ҳам ишлаб турибди. Корхона раҳбариятининг амалга ошираётган бу ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Суратларда: - Машинист Шавкатжон Турсунов.

- Шифер цехи.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Истиқлолга таъзим!

БУГУНГИ «БИЗ» КЕЧАГИ «БИЗ» ЭМАСМИЗ

Саксонинчи йилларда давлатимиз ва ундаги сиёсий тизимлар, уларнинг фаолияти ҳақида изланишлар олиб бордим. Хусусан, Германия ва Ҳиндистонда бўлиб, ўқув тизимидаги, телевидениесидаги янгиликлар, тажрибаларни қунт билан ўргандим. Яширмайман, хориж мутахассисларига юзланиб: «Сиздаги янгиликларни Ўзбекистонда нима сабабдан амалга ошириш қийин кечаяпти» деб сўраганимда улар қулимсираб, ақлли одамсиз, бунинг сабабларини ўзингиз кейинчалик илғаб оласиз, қабилида жавоб беришганди.

Ватанимга қайтгач, Халқ таълими вазирлиги, телевидение мутасаддиларига фикримни очиқ айтдим, таклифларимни илгари сурдим. Ишонсангиз, кўпчилик менга шубҳа кўзи билан қаради. Кимлардир ўзини олиб қочди. Айниқса, «...бу кетишда қолоқликдан қутула олмаймиз» деган адолатли сўзим ўзимга кўп ташвиш келтирди.

Ҳа, собиқ шўро даврида ҳақиқатни, дилингдаги гапни айта олмасдинг. Бироз «қолип»дан чиқсангиз борми, дарров йиғилишда муҳокама қилишарди. Фирқа аъзоси бўлсангиз, КПСС аъзолигидан ўчирамиз, дея дағдағага ўтишарди. Партия аъзоси бўлмаган киши эса тузукроқ ишни тушида ҳам кўрмасди. Тўғри сўзлигим, хориж тажрибасини Ўзбекистонда ҳам қўллаш ҳақидаги таклифларим ўзимга зарба бўлди. Икки йиллик заҳмат чекиб қилган изланишларим зое кетди.

Ўзимга-ўзим савол берардим: нима сабабдан тўйларимиз, байрамларимизда анъаналаримизга риоя қилинмайди? Баъзи қизларимизда сўз билан таърифлаш қийин бўлган ўзбекона иффат, латофат, уятчанлик йўқолиб бораяпти. Барчани лол қолдирадиган миллий либосларимиздан нега оппа-осон воз кечаяпмиз? Нима сабабдан баъзи аёлларимизнинг ҳаётдан, одамлардан паймонаси тўлиб, ўзлари устидан ўт қўйишгача боришяпти? Энг ачинарлиси, маҳалла қўмиталари фаолиятига эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, қўмита раисларининг маош олиб ишлашлари мақсадга мувофиқлиги хусусидаги таклифларим «кўзингизни очинг, қаерга қараб кетаяпсиз», қабилидаги қўрқитувлар билан авторефератимдан олиб ташланди.

Бахтимизга Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Ўзлигимизни англадик, аждодларимиз, миллатимиз билан фахрланиш, бир вақтлар тушимизга ҳам кирмаган улуғ ишларни рўёбга чиқариш имконига эга бўлдик. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари» ҳақидаги Қонуни узоқ йиллик орзуларим асосли эканлигини тасдиқлади.

Ўтмишда «бизда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли» қабилидаги шиорлар илгари сурилиб, хотин-қизларимиз заҳматли меҳнатга мубтало этилди. Пировард натижада онани оиладан, фарзанд тарбиясидан узоқлаштиришди. Жажжиларимизнинг кўпчилиги она сутига тўймай вояга етишди. Бу каби ғаламис ишларни кўплаб мисол тариқасида келтириш мумкин. Бизни қулликка, мутеликка маҳкум этмоқчи бўлганлар тилимиздан, динимиздан, она тилимиздан, қўйингки, миллийликка дахлдор барча бойлигимиздан мосуво қилишмоқчи бўлган. Зўрликка, бировлар ҳисобига яшашга асосланган тузум эса ҳеч қачон узоққа боролмайди. СССРнинг емирилиши бунга ёрқин мисолдир.

Мустақил Ўзбекистонимизда хориж ҳам тан бераётган жуда кўп улуғ ишларга қўл урилаяпти. Шулардан бири аёлга бўлган муносабат, унинг қадр-қиммати юксак даражада улуғланишидир. Оилани, фарзандларни эъзозлаш, уларга меҳр-мурувватли бўлиш ҳам оналарга, аёлларга нисбатан қилинаётган меҳрибонлик белгисидир. Қаранг, расмий маълумотларга қараганда, жорий йилнинг олти ойи давомида мамлакатимиз бўйича аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига қарийб 19 миллиард сўм маблағ ажратилибди. Бугунги кунда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган бир миллиондан ортиқ оила, 260 мингдан зиёд кам таъминланган оила ва икки ёшга тўлмаган гўдакларни тарбия қилаётган, 540 минг ишламайдиган она давлатдан ёрдам пули олмоқда. Шуларни ўйлаб қалбим жунбушга келади, суюкли Ватаним, севимли Президентимга бўлган меҳр-муҳаббатим уммондек жўш уради. Шу бахтли ўлканинг орзулари ушалаётган бир фуқароси эканлигимдан бошим осмонда!

Мустабид тузум даврида ҳақ-ҳуқуқи устамонлик билан камситилган эндиги аёлларимизнинг камолини кўринг. Тадбиркорлар сафида улар тобора кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳол. Январ-июн ойларида Марказимиз ва унинг минтақавий бўлимлари томонидан ушбу мавзуга бағишлаб ўнта илмий-амалий конференция, 39 та семинар, 2370 та давра суҳбатлари ўтказдик. Албатта гап тадбирларнинг сонида эмас, балки уларнинг қай даражада фойда келтираётганидадир. Ҳозирги кунда «Ҳуқуқий маданиятли», «Билимдон уй бекаси», «Меҳрибон она» каби тадбирларни ўтказиш хусусида изланаяпмиз. Ўйлаймизки, уларнинг нафи катта бўлади.

Олий Мажлис қарорига кўра республика парламенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари материалларини ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида алоҳида институтнинг ташкил этилиши ғоят улуғ иш бўлди. Қонунларимизни такомиллаштириб боришимиз, уларнинг баъзида «чап»га, хоҳлаганда «ўнг»га оғишга мутлақо имкон бермайдиган даражага етказишимиз зарур. Зеро бунга мустақиллик тўла имкон яратди. Мен Ўзбекистон Республикаси давлатини аллomаларимиз - Форобий, Арастулар орзу қилган ўта маданиятли, ўта одил, жаҳондаги энг ривожланган Европа давлатлари даражасига кўтарилишини истайман ва бунга қатъий ишонаман.

**Муҳаббат БОБОЖОНОВА,
Республика ҳуқуқий маърифий тарғибот марказининг бўлим бошлиғи.**

Холид Амир Хон:

«ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМ УЧУН КАШФ ЭТАМАН»

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мамлакатимиздаги бир қатор хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан мулоқотлар ўтказди. Қуйида ушбу қутлуг санага бағишлаб Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Холид Амир ХОН билан бўлиб ўтган суҳбат ҳавола этилади.

— Бундан саккиз йил муқаддам ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек мураккаб йўлни танлаган эди. Сизнинг фикрингизча, бу жамиятнинг етуклигини белгиловчи асосий мезонлар нималардан иборат ва уларнинг қайсилари устувор, қайсилари эса иккинчи даражалидир?

— Ўзбекистон ҳали жуда навқирон давлат. Бугунги кунда мамлакатингиз бозор иқтисодиётига аосланган демократик тизимга ўтиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Ўтиш даври эса узоқ вақтни тақозо этади, зеро бу жараённи қисқа муддатда босиб ўтиш мумкин эмас. Бинобарин, Ўзбекистон танлаган ислоҳотларнинг мувафаққияти учун фуқароларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишини янада кенгроқ рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Халқингиз бахтига, Ўзбекистон давлатининг ўз мамлакати ва халқининг фаровонлиги ҳақида хорижда кескин ҳам, жуда секин ҳам эмас. Бунинг учун Президент Ислом Каримовнинг доно раҳбарлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

— Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида қандай имкониятлар мавжуд?

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилгандан сўнг кўп ўтмай мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган эди. Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар ва кенг истиқболлар мавжуд. Яқин орада бўлиб ўтадиган Ўзбекистон-Покистон савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўшма комиссиясининг учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада янги поғонага кўтаришига умид қиламиз.

Афғонистонда тинчлик қарор топган тақдирда, биз савдо соҳасидаги алоқаларимизни ҳам янада кенгайтириш имконига эга бўламиз. Зотан, Покистон Ўзбекистон учун Афғонистон орқали денгиз йўлларига чиқишни таъминлаб бериши мумкин.

— Ўзбекистон пахта, олтин, энергия манбалари сингари кўплаб табиий бойликлар инъом этилган юрт. Жаҳон бозорида ушбу бойликларга талаб ва эҳтиёж доимо катта. Бироқ, улар асосан ҳом ашёдир. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистон қандай тайёр маҳсулот турлари билан жаҳон бозорини забт этиш имконига эга?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон кўплаб табиий бойликларга эга мамлакат. Улар юртингизнинг улуғ неъматларидир. Истеъмолчи маҳсулотлар тайёрлайдиган саноат инфратизилмасини шакллантириш, хом ашёни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган юксак технологияларни жорий этиш, шубҳасиз, Ўзбекистон тез орада жаҳон бозорларига чиқишига имконият яратади.

— Ўзбекистондаги фаолиятингиз билан боғлиқ энг ёрқин тассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистондаги қисқа фаолиятим давомида кўплаб эсда қоларли таассуротлар олдим. Уларни барчасини санаб ўтиш мушкул. Лекин алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингиз халқи жуда очиққўнгил, меҳмондўст ва меҳнаткашдир. Бу халқ ўз ватанини жуда севади ва унинг келажаги ва фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилишга астойдил бел боғлаган. Юртингизнинг кўҳна ва бой тарихи ҳамда маданияти билан янада яқинроқ танишиш ниятидаман. Ўзбекистон жаҳонга донғи кетган машҳур олиму алломалар етказиб берган юрт. Бу алломаларнинг айнан шу ўлкада яшаб, ижод этганликлари мени халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига руҳлантиради. Ўйлайманки, мен бу гўзал ва обод мамлакатни янада янги қирраларини кашф этиш ва ўзим учун кўплаб қизиқарли маълумотлар олиш имконига эгаман.

«Жаҳон» АА.

«Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали олдидан

МИЛЛИЙ МУСИҚА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Самаркандда «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали очилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бу галги анжуман ўзбек мумтоз мусикаси ва санъатининг умумжаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ва таъсирини намойиш этишга бағишланган «Бу ажиб дунё» деб номланувчи театрлаштирилган томоша билан очилади.

Дастлабки фестивал очилишида намойиш этилган «Буюк ипак йўли» томошаси ана шу йўлда жойлашган мамлакатлар санъатига ва маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган буюк ўзбек санъаткорларининг порлоқ хотирасига бағишланган эди. Бу йилги томошада эса асосий эътибор қадим ўзбек маданияти ва санъатининг инсоният тараққиётида тутган ўрни, умумбашарий қадриятлар билан уйғунлигини намоён этишга қаратилади.

Мазкур театрлаштирилган томоша сценарийси муаллифи, шоир Ҳуршид Даврондан бу галги фестивалнинг ўзига хос томонлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

- Президентимизнинг ташаббуси билан юзага келган «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивали ташкилий томондан жуда юксак савияда ўтганига барча ишонч ҳосил қилган эди. Мустақиллик йиллари нишонланаётган байрамларимизга эътибор берсак, уларни маълум маънода ана шу халқаро фестивалга тайёргарлик босқичи деб қараш мумкин. Масалан, Мирзо Улуғбек, Амур Темур, Фарғоний, Имом Бухорий каби улуғ бобокалонларимиз, Хива, Бухоро шаҳарлари юбилейларининг барчаси санъаткорлар иштирокисиз бўлмади. Буларда халқимизнинг бетакрор, ўзига хос санъати намойиш этилди.

(Давоми 2-бетда)

Собиқ шўро даврида Мирзачўл ҳаддан ташқари тез суръатда ўзлаштирилди. Экин майдонлари кенгайди-ку, бироқ одамлар қаерда, қандай шароитда яшаши, меҳнат қилиши хусусида тузукроқ бош қотирилмади. Деҳқон турмуш тарзига жавоб бермайдиган уйлар қурилди. Иситиш тармоқларининг аксарияти чала-чулпа ўрнатилганди. Маданий-маиший, савдо хизмати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чўлқуварлар минг азобда ҳаёт кечиришди. Улардан фақат пахта талаб қилинарди. Кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга рағбат йўқ эди. Буларнинг сабабларини кейинчалик тушундик. Қизил империянинг мақсади ўлкамизни энг арзон пахта хом ашёси етказиб берадиган минтақага айлантириш экан. Аҳвол шунгача бориб етдики, пахта инсон учун эмас, инсон пахта учун шиори амал қилаётгандек эди, гўё.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 йиллиги олдидан

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

Фақат истиқлол шарофати, элпарвар, меҳрибон Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар туфайлигина чўлқуварлар маскани Гулистон қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Дунёда мўъжизалар кўп. Япония мўъжизаси, Жанубий Корея мўъжизаси барчани лол қолдирган бир чоғда ўзбек ҳам ўз мўъжизакорлигини жумлаи жаҳонга кўз-кўз қилмоқда.

Сирдарё ҳам истиқлол қуёшидан баҳра олган юрт. Шароити мураккаб бўлса-да, одамлари баҳодир, меҳридарё, улуғ мақсадларга қатъий бел боғлаган фидокорлардир. Эндиликда Сирдарё кўплаб хорижий давлатлар вакиллари учун ишончли ҳамкор. Буни чет эл сармояси тобора кўпроқ жалб этилаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Мустақиллик иншоотлари - «Улгуржи бозор», Кемпинг биржа маркази, теннис корти, «Асака банк», сузиш ҳавзаси, Бокс саройи, «Алпомиш» спорт саройи, Никоҳ саройи, «Гулистон» меҳмонхонаси кабилар Гулистон кўркига кўрк қўшмоқда.

Гулистонда бўлган тадбиркорларнинг учинчи халқаро симпозиумида иштирок этган Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси: «Мирзачўл» номи энди бу заминга ярашмайди. Мирзагулистон дея аташ керак, дея эътироф этгани рост. Айни чоғда вилоятда АҚШ, Швейцария, Жанубий Корея, Англия, Россия Федерацияси, Германия, Голландия, Туркия, Франция ва бошқа кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликда бунёд этилган қўшма корхоналар ишлаб турибди.

Куни-кеча яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Ижод ва санъат аҳлига ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида олтин пештоқли кошона туҳфа этилди. Бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Эркин Комилов, Тўти Юсупова, севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф ва бошқалар Мирзачўл қўйнида юз очган мўъжиза барчани бирдек қувонтирганини таъкидлашди.

***

Сирдарёда тадбиркорликка кенг йўл берилган. Айни чоғда 2000 га яқин кичик ва қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. 3,5 минг нафарга яқин киши эса якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Уларнинг етакчиси ва яқин ёрдамчиси Фатҳиддин Қутбиддинов шундай дейди:

- Сўнгги йилларда кредит ҳисобига замонавий ихчам технологияларни жалб этишга эътибор кучайтирилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 116 нафар тадбиркордан тушган 14,6 миллион АҚШ доллари ва 546 миллион сўм қийматга эга бўлган лойиҳалар вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланди. Шунингдек, 7 тадбиркор 20,6 миллион сўмлик кредит соҳиби бўлди. Битта корхона «Барака» универсал лизинг компанияси орқали 161,9 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган сут заводини лизинг асосида олишга эришди. Бешта лойиҳа тез кунларда молиялаштирилади.

Ширинда кичик трактор, Янгиерда велосипед ишлаб чиқарилаётган бўлса, Абдуғани ал-Мансур фирмаси чўлни турфа ширинликларга сероб қилмоқда. Улуғ ишларга бош-қош бўлаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам борлиги кишини қувонтиради. Гули Маметова етакчилик қилаётган ассоциация бу борада эътиборга молик ишларни амалга оширяпти. Гулистон пивоси ишлаб чиқарилаётганига бир йилдан ошди. Сайхунободдаги «Сайхунпоя» қўшма корхонаси ҳам мустақиллик меваси. Қувончлиси шуки, чўлда фақат пахта етиштирилади, деган тушунчага ўзгартириш киритилди. Чўл энди боғ-роғлар яшнаган, саноат гуриллаб ривожланаётган, инсон инсондек яшаш учун барча шароитлардан муҳайё этилаётган ажойиб бир маскандир.

***

Ватан сўзи нақадар азиз. Бир сиқим заминни кафтингизга олиб, унга меҳр ила тикилар экансиз, қалбингиз жунбушга келади. Шунда она диёримизнинг ҳар бир гўшаси, мўътабар тупроғи жисму жонимизга пайваста бўлиб кетганлигини чуқур ҳис қиласан киши. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида одамларимиздаги бу каби фазилатлар бўрттиброқ кўзга ташланмоқда.

Хайру саховатни, эзгуликни қалбини яхшилик безаган инсонларгина қилишади. Сирдарё шаҳрида истиқомат қилувчи Аҳмад ҳожи Мамедовни барча чин дилдан ҳурмат қилади. Саховатпеша бу инсон борини кишилар билан баҳам кўришга одатланган. Унинг мўъжазгина ошхонаси бор. Миллий таомлар ўзининг хуштаъмлилиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Эътиборлиси шуки, талабалар бу ерга кўпроқ ташриф буюришади. Боиси, таомлар анча арзон. Ҳожи бобо 20 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган талабани бепул овқатлантиради.

Аҳмад ота ҳар йили «Наврўз» байрами арафасида ўнлаб ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўз ҳисобидан ўтказади. Бундай ажойиб инсонларни воҳамизда кўплаб учратиш мумкин.

***

Бу йилги кўклам иссиқ келди. Кўп ўтмай, совуқ дов-дарахтларни забтига олди. Тут баргларини совуқ урди. Пилла нима бўларкин, деган ташвиш кўпчиликни ўйлантирди. Бироқ, Ватан ишқи билан ёнган, мустақиллик куч-қувват бағишлаган кишилар барча имкониятни ишга солиб, қийинчиликни мардона енгдилар. Давлатга пилла топшириш буюртмаси адо этилди.

Табиат ғаллакорларни ҳам синовдан ўтказди. 87 минг 690 гектар майдондаги экиннинг 37 минг гектардан ортиқроғи сариқ занг касалига чалинди. Бу ҳосилдорликка салбий таъсир ўтказди. Бугунги «биз» кечаги «биз» эмасмиз. Ҳурлик, ўз ерининг ҳақиқий хўжайини, миллий ғурур каби хислатлар қалбларда жўш урганлиги учун боғбону соҳибкор, тадбиркору қурувчи ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқда. Ватанга меҳр, Президентимизга бўлган миннатдорчилик туйғуси ғалла ўрим-йиғимида ҳам яққол намоён бўлиб турди. Қарийб 400 та комбайн, шу жумладан 114 та «КЕЙС» икки сменада тўла унум билан ишлатилди. Эл хирмонига мўлжалдаги сара дон етказиб берилиб давлат буюртмаси ортиғи билан адо этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Умаров билан дилдан суҳбатлашдик.

- Бугунги чўлқувар моҳир пахтакор, уста ғаллакор, қўли гул соҳибкор ҳамдир, - дейди суҳбатдошимиз. — Мустақиллик нақадар улуғ неъмат эканлигини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Тўй қилдим, уй қурдим, енгил автомашинали бўлдим. Фарзандларимиз ривожланган давлатларда илм олиш имконига эга бўлганликларининг аҳамиятини сўз билан тушунтириш қийин. Меҳнат фахрийси сифатида ҳаётни, ўзгаришларни синчков кузатаман. Одамлар Ватанни севиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш бу фидойи меҳнат, ҳушёрлик, фидойилик эканлигини чуқур англамоқдалар. Фуқароси юксак қадрланган, катта-ю кичик ўз юрти, ўз Президенти билан юксак даражада фахрланадиган мамлакатда ишлар ҳамиша беш бўлади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ислоҳот одимлари

Тан олиш керакки, ўтиш даврида баъзи қурилиш ташкилотлари мураккаб аҳволга тушиб қолди. Чунки улардаги молиявий етишмовчиликлар сабабли буюртмалар сони кескин камайди. Оқтошдаги 10-қурилиш корхонаси ҳиссадорлик жамияти ҳам бундай ҳолни бошидан кечиргани сир эмас. Бу корхона иморатлар учун темир-бетон маҳсулотлари, шунингдек, эшик ва дераза ромлари тайёрлаб беради.

ЎЗ ИШИДАН МАМНУНЛИК

- Икки-уч йил олдин корхонамиз анча оғир иқтисодий аҳволда қолганди. Сабаби буюртмалар кескин камайиб кетганди, - дейди жамият раиси Қаҳрамон Розиқов. - Аммо биз қўл қовуштириб ўтирмадик. Ҳамкорларни излаб топдик, буюртмачиларга имтиёзлар бердик. Мақсадимиз ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолишига йўл қўймаслик эди. Чунки ижтимоий ҳимоянинг асосий шарти одамларни доимий иш билан таъминлашдир. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Иш ўринларини асоссиз қисқартиришга йўл қўйилмади.

Агар корхона фаолиятига назар ташланса, юқоридаги сўзларнинг исботини кўриш мумкин. Бурноғи йили жамоа депсиниш даврини ортда қолдириб, 30 минг куб метр ҳажмда темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришди. Одамлар ҳам корхона ўнгланиш сари юз тутаётганлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонишди. Сифат ва суръат таъминланди. Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги кўплаб қурилиш ташкилотлари билан шартномалар тузилди. Шу боис ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан 50 фоизга ошди. Бунинг яна бир омили цемент, металл ва бошқа хомашёлар таъминоти узлуксиз йўлга қўйилганида ҳамдир. Айниқса, Самарқанддаги «Сатурн» фирмасининг таъминот борасидаги ҳамкорлиги ишнинг тикланишига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хуллас, жорий йил бошига келиб 1997 йилда мавжуд бўлган 12 миллион сўмдан зиёд дебиторлик қарзлари ундирилди. Ҳозир бир миллиондан сал зиёдроқ дебиторлик қарзи қолган, холос.

Иқтисодий-молиявий аҳволнинг яхшиланиши ижтимоий масалаларга эътибор кучайтирилишига олиб келди. Энг аввало, ўтган йилга мўлжалланган жамоа шартномаси пухта ишлаб чиқилиб, асосий диққат-эътибор меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига қаратилди. Иш ўринлари тўлиқ кўрикдан ўтказилди. Ускуналар таъмирдан чиқарилди.

- Молиявий имконият яхшиланиб, етарли маблағ ажратилганлиги туфайли корхонадаги тиббиёт маскани, ошхона, гимнастика зали иши яхшиланди, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси И.Мирзаев. - Ўзимизнинг 0,02 гектарли иссиқхонамизда маҳсулот етиштирилиб, эҳтиёж учун фойдаланилмоқда. Яқин вақтларда ёрдамчи хўжалик ташкил этиш мўлжалланган. Ходимларимиз уй-жой қурадиган бўлса қурилиш ашёларини арзонлаштирилган нархларда етказиб берамиз. Ўтган йили 21 нафар ишчимиз корхона ҳисобидан профилакторийда саломатлигини тиклади. Ходимларимиз юз нафар фарзандларининг ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш харажатларини корхона ўз зиммасига олди.

Корхонада бўлиб, Ў.Раҳматова, С.Ҳамроев, А.Худоёрова, И.Бердиёров каби ходимлар билан суҳбатлашганимизда жамоа аъзолари маъмуриятнинг ижтимоий соҳадаги тадбирларидан мамнунлигини англадик. Муҳими, одамлар ишонч билан меҳнат қилишаяпти. Раҳбарлар омилкорлиги, ишчиларнинг ташаббуси иқтисодий ўнгланишни жадаллаштирмоқда.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

МИЛЛИЙ МУСИҚА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчи мусиқа фестивалида санъатимиз тарихига эътибор берган эдик. «Буюк ипак йўли» деб номланган бу томоша кўпроқ халқ орасида ном чиқарган, санъатда ўзига хос мактаб яратган инсонлар хотирасига бағишланганди. Буюк ипак йўли бўйлаб яшаган халқлар санъати, уларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ҳақида ҳикоя қилинган эди. Дастурда Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Носирова, Хожи Абдулазиз, Таваккал Қодиров, Ботир Зокиров, Ҳабиба Охунова ижро этган қўшиқлардан ҳам фойдаланиб, улуғ санъаткорларимизнинг йўллари ҳам Буюк ипак йўлидек катта бир нуфузга эга эканлиги кўрсатиб берилган эди.

Бу сафарги мусиқий томошамиз «Бу ажиб дунё» деб аталади. Унда ҳам ўзбек санъатини дунёга кўрсатишни мақсад этганмиз. Шу боис, кўпроқ санъатимизнинг қадимий илдизларига мурожаат қилдик.

Давлатимиз раҳбари тарихимиз, ўтмишимиз ҳақида, энг аввало, ўзимиз тасаввурга эга бўлишимиз, уларни бировлар ёзиб кетган ақидаларга эмас, ўз билимимиз, изланишларимиз асосида ўрганишимиз кераклиги ҳақида жуда кўп гапиради. Шунинг учун мазкур томоша муқаддимаси ва биринчи қисмида ўзбек санъати тарихидан олинган, хусусан, қадимий Сўғд, Хоразм, Бақтрия санъатининг пайдо бўлиши даврига тааллуқли халқ оғзаки ижодининг илк намуналари, «Авесто» китобининг бу давр санъатига таъсири ёркин тарихий-бадиий лавҳаларда намоён этилади.

Томошанинг иккинчи қисми Шарқ мусиқа санъатининг гултожи бўлган «Шашмақом»га бағишланади. Хусусан, кўҳна мусиқий санъатимизнинг бугун ҳам барҳаётлиги, дунёвий тараққиётга қўшган ҳиссаси ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда ривож топаётгани кўрсатиб берилади. «Шашмақом»нинг Бухоро, Фарғона, Тошкент мактабларини кўрсатиш, шу билан бирга ана шу мактабларни яратиб кетган санъаткорлар хотирасини ёд этиш, уларнинг анъаналари давом этаётганини намойиш қилиш ҳам кўзда тутилган.

Дунё ўзбек санъати билан янада яқинроқ танишмоқда. Жаҳоннинг маданият, тарих соҳасидаги энг йирик олимлари «Ўзбекистон - дунё маданияти бешикларидан бири, юраги» деб эътироф этгани бежиз эмас. Бу санъатни дунёга кўрсатиш бизнинг вазифамиздир.

Президентимиз Фармонлари билан 1999 йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинди. Бу оналаримиз, опа-сингилларимизнинг сиёсатда, жамиятда тутган мавқеини кучайтириш билан бирга тарихдаги ўрнини ўрганишга ҳам катта аҳамият бериш лозимлигини таъкидлайди. Шу боис, томошамиз дастурида ўзбек аёлининг Ватан ва инсоният тарихида тутган мавқеига алоҳида ўрин берилган. Бу мавзу буюк ўзбек санъаткор аёлларининг ижодий меросини ўзида акс эттирган бадиий-мусиқий лавҳалар орқали намоён этилади. Айни вақтда, машҳур хонанда Ботир Зокиров асос солган ўзбек миллий эстрадаси анъаналари бугунги кунда ҳам санъаткорларимиз ижодида ўз аксини топаётгани кўрсатилади.

Санъат - тарих инъикоси. Ҳар бир қўшиқ ва рақсда халқимиз ўтмишининг ўзига хос жиҳатлари сақланиб қолган. Шу билан бирга санъатимиз кенг маънода жуда кўп халқларнинг санъатидан озуқа олган ва айни вақтда улар маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Япония, Хитой санъатшуносларининг таъкидлашича, қадим-қадимлардан ривож топиб келган никоб театрлари дастлаб Ўрта Осиёда, икки дарё оралиғида пайдо бўлган. Санъатнинг бу тури гарчи Ўзбекистонда асл ҳолича сақланиб қолмаган бўлса-да, кунчиқар мамлакатда ҳамон кенг тарқалган. Европадаги кўп чолғуларнинг тузилиши шарқона эканлиги ҳам дунё санъати бир бири билан уйғун ривожланганлигидан дарак беради.

Ўйлайманки, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали ўзбек миллий санъатини ривожлантириш, Шарқу Ғарб давлатларининг миллий мусиқа санъатини асраш-авайлаш учун хизмат қилади.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда халқ таълимига алоҳида эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра бу йил янгидан кўплаб коллежлар иш бошлайди. Ана шундай қишлоқ хўжалигига йўналтирилган коллежлардан бири Асака туманида мустақиллик байрамининг 8 йиллиги нишонланадиган куни иш бошлайди. Ҳозир қурилишда иш қизғин. Бунёдкорлар ишни тез ва сифатли бажариш учун ҳаракат қилишмоқда.

Суратларда: коллеж қурилишидан лавҳалар.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.







Соғлом авлод учун

Пойтахтимиздаги Перинатал марказида мана бир неча йилдирки чақалоқларнинг туғилиши биланоқ она билан бирга бўлиши, она кўкрагининг илк оғиз сути билан озиқланиши қатъий йўлга қўйилган. Бунинг аҳамияти беқиёс.

ОНА СУТИ ХОСИЯТИ

Яқинда ЮНИСЕФ (БМТнинг Болалар жамғармаси) ташаббуси билан Ўзбекистонда «Кўкрак сути билан боқиш» масалалари бўйича семинар ўтказилганди. Ушбу анжуманда Перинатал маркази, Педиатрия ҳамда Акушерлик ва гинекология институтларининг мутахассислари, ЮНИСЕФ вакили шунингдек, қозоғистонлик экспертлар ҳам қатнашдилар.

Семинарда Америка Қўшма Штатлари ва ўзбекистонлик соҳа мутахассисларининг тажриба алмашишлари учун кенг имкониятлар яратилди. АҚШда чақалоқлар парвариши мавзуидаги видеотасмалар, ўқув фильмлари намойиш қилинди. Шифокорларнинг оналарга кўкрак сути билан боқишнинг моҳиятини чуқурроқ ва тушунарлироқ изоҳлаб беришлари ҳақида йўл-йўриқлар берилиб, махсус муляжларда бола парвариши усуллари кўрсатилди.

— Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини яратиш деганидир,- дейди семинар иштирокчиси, Перинатал марказининг неонатологи Раъно Ёқубова. —Аввало илк оғиз сути билан озиқланганда болага она сутидан иммуноглабулин ўтади. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, оғиз сути чақалоққа энг биринчи эмлаш воситаси сифатида таъсир кўрсатади ва болани антитело ҳамда витаминларнинг юқори дозаси билан таъминлайди. Бу сут бола организмидан туғма қўнғир тусли ахлатни - меконийни ҳайдаб чиқаришга ёрдам беради. Оғиз сутининг етилган сутга айланиши ,яъни ўтиш жараёни янги туғилган чақалоқ эҳтиёжларига мос равишда юз беради. Шу тарзда кўкрак сутининг таркиби эмизикли давр мобайнида ҳамда боланинг ёшига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

—Янги туғилган чақалоқнинг туғилибоқ онаси бағрида бўлиши унинг келажакда соғлом бўлиб камолга етишишида катта омиллардан биридир,- дея таъкидлайди ушбу марказ раҳбари, доцент Улуғбек Нурматов.— Фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан бақувват қилиб тарбиялашда бу усул катта аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир бола она сутини эмар экан, ундан феълатворига хос ақлий ва маънавий озуқа олади. Бу муҳим жараёнда асло бегона сутларни аралаштирмаслик лозим. Ахир халқимизда, сут билан кирган жон билан чиқар, деган ибора бежиз айтилмаган.

Мутахассисларнинг ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) ва ЮНИСЕФнинг ҳаётий мисоллар асосидаги фикрига кўра, гўдакларни дастлабки олти ой давомида қатъий равишда, иложи борича фақат она сути билан боқиш зарур. Чунки кўкрак сути билан боқиш она ва бола соғлиғини сақлашнинг энг самарали усулидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўкрак сути билан боқилаётган бола ўзи учун ҳеч нарса билан алиштириб бўлмайдиган омиллар мавжуд эмас. Бундай сунъий сутларни ишлаб чиқарувчи фирма ҳатто кўкрак сути нусхасини тайёрлашга муваффақ бўлганда ҳам у ҳамма бола организмига тўғри келавермайди. Яъни, бола бевосита табиий равишда она кўкрагини эмар экан, ўзига хос ҳаракат қилиб, сутнинг ўз эҳтиёжига мос турини қабул қилади. Сабаби ҳар бир онанинг сути боласининг эҳтиёжига қараб ўзгариб туради.

— Аксарият аёллар ўз болаларини кўкрак сути билан боқиш қобилиятига эгалар, - дейди Перинатал маркази раҳбари муовини, фан номзоди Ўктам Жалолов. — Афсуски, ўтган бир неча ўн йилликлар давомида жаҳон микёсида кўкрак сути билан боқишга нотўғри ёндошилди. Бу бола парваришига салбий таъсир ўтказмай қолмади, албатта. Ҳаттоки айрим тиббиёт ходимлари ҳам болани сунъий боқишнинг ҳеч қандай камчилиги йўқ деб ҳисоблаб келдилар. Ўша даврдаги нотўғри ташвиқотлар натижасида бу усулга оналар ҳам, мутахассислар ҳам ишондилар.

Аммо, ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатдики, болани сунъий овқатлантириш энг қулай шароитларда ҳам унинг соғлиғи юзасидан кўпгина муаммоларни келтириб чиқарар экан.

Биринчи эмизишнинг орқага сурилиши, эмизиш сонининг чегаралаб қўйилиши, тўйиб улгурмай туриб боладан кўкракни олиб қўйиш, болага биринчи марта кўкрак тутилгунча бошқа суюқликлар, қўшимча сунъий сут бериб тўйғазиш, эмизиш оралиғида болага оддий сув, узум шакари, глюкоза ёки сахароза қўшилган сув ҳамда турли хил чойлар бериш оналарнинг сут ҳосил қилиш қобилиятларига гумонсираб гапиришларига асос бўлувчи ҳоллардир.

Унинг акси ўлароқ туққандан сўнг болани тез орада эмизиш, она ва бола танаси ўртасида яқинлик бўлиши, болани эмизаётганда тўғри ушлаш ва унга кўкракни тўғри тутиш, гўдакнинг талабига қараб тез-тез эмизиш, ўз хоҳиши билангина эмишни тўхтатишига имконият яратиб бериш, мутлоқ кўкрак сути билан боқиш, яъни ҳаёт учун зарур дори-дармонларгагина рухсат берилган ҳолда табиий она сути эмизиш, онанинг кўкрак сути билан боқиш истагига хайриҳоҳ муносабатда бўлиш орқали унинг ўзига ишончини мустаҳкамлаш, уни маънавий қўллаб-қувватлайдиган одамларнинг суҳбатларидан кўникмалар олишига имконият яратиш, сўрғич, резина пуфакчалардан воз кечиш каби фойдали ҳаракат ва амаллар кўкрак сути билан боқишнинг муваффақиятли бўлишига ёрдам беради.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Умид ХАЛИЛОВ.

Туман ижтимоий таъминот бўлимларида

ЮЗ ЁШЛИЛАР ДУОСИ

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис XIV сессиясида шундай деган эди: «...Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари керак. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак».

Ушбу сўзлар ижтимоий таъминот тизимига ҳам бевосита дахлдордир. Ҳокимликлар, идора ва муассаса раҳбарлари, ижтимоий таъминот бўлимларининг бу борада олиб бораётган ишлари, айниқса диққатга сазовордир. Вилоятда Ижтимоий таъминот вазирлигининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни кучайтириш мақсадида ҳомийлар ҳисобидан қўшимча маблағларни жалб этиш ҳақида»ги ҳайъат қарори, шунингдек вилоят ҳокимининг «Вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори асосида талай ибратли ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Дўстлик туманида боқувчисини йўқотган 270 нафар оила газ ва электр энергия ҳақи тўловларидан озод этилиб, улар 19 та корхона ва бирлашмалар томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Ўзгалар эътиборига муҳтож 39 нафар қария ҳомий ташкилотлар ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқда. Ҳокимликнинг қарорига мувофиқ ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус кийим-кечаклари учун маҳаллий бюджетдан 20 минг сўм пул ажратилди. 26 нафар етим туман раҳбарларининг шахсий оталиқларида.

Туман ижтимоий таъминот бўлимида уруш ва меҳнат фахрийларини, ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, у маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хайрия жамғармалари, умумий овқатланиш ва оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бунда, айниқса «Нуроний», пенсия жамғармалари, дон маҳсулотлари комбинати, суғурта, халқ таълими бўлимларининг ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

- Туманимизда саховатпеша ташкилот раҳбарлари кўпчиликни ташкил қилади - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Ш.Яссаков, - шулардан бири туман Дон маҳсулотлари комбинати директори С.Саидраҳмоновдир. У кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган 4 йил ичида 99 нафар ногиронга (жами 3 млн. 250 минг сўмлик) аравачалар топширилди. 100 ёшдан ошган 10 нафар қариянинг юбилейи, 30 нафар етим болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Бу тадбирларни ўтказишга 800 минг сўмлик сарф-ҳаражат қилинди. Яқинда бу сахий қалб эгаси Жиззах туманида яшовчи 1-гуруҳ ногиронлари Ў.Худойбердиев ва С.Эшбоевларга ўз ҳисобидан 30 минг сўмлик совға-саломлар ҳадя этди.

Дарҳақиқат, вилоятда саховатли кишилар кўп экан. Биз уларнинг ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга кўрсатаётган беғараз ёрдамларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

М.Онарбоев, Бахмал туман ҳокими: Вазирлар Маҳкамасининг оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йил учун Давлат дастури ҳақидаги қарори асосида талайгина тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Қишлоқларимизда юз ёшдан ошган 13 нафар момолар истиқомат қилишади. Туман ҳокимининг махсус қарори билан март ойидан бошлаб уларнинг пенсиясига минг сўмдан қўшимча берилмоқда. Улар билан алоҳида давра суҳбати ҳам ўтказилди. Тадбирга келин-куёвлар, ҳатгоҳида дам олишлари учун умумий қиймати 96 минг сўм бўлган йўлланмалар ажратилди.

Маълумки, ногиронлар орасида спортга ишқибозлар ҳам анчагина. Бироқ, биз бу гал ҳамма ногиронлар учун эмас, фақат ногирон аёллар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этдик. Мусобақада 10 нафар аёл ғолиб деб топилиб, уларга совринлар топширилди.

Ногиронларнинг сиҳат-саломатлиги, жамиятда ўз ўринларини топиб кетишлари учун яқиндан ғамхўрлик қилинмоқда. Жумладан, оиласида икки ва ундан ортиқ ногирони бор 33 нафар аёл коммунал хизмат тўловларидан бутунлай озод этилган. 61 нафар ногирон эса корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига бириктириб қўйилган.

Ногиронлар ва ёлғиз қарияларни табаррук қадамжоларга олиб бориш, уларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Ўтган ярим йил ичида 5 мингдан кўпроқ киши Имом ал-Бухорий мажмуини зиёрат этди. Уларнинг тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан 340 кишига хайрия тариқасида ўйлланган жами 1 миллион 397 минг сўмлик совға-саломлар инъом этилди.

Умуман олганда, йил давомида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва оиласида 2 ва ундан ортиқ ногирони бор 539 оилага қўшимча пенсия тайинланиб, улар коммунал хизмат тўловларини тўлашда имтиёзлардан фойдаланишади.

Б.Узоқов, Ғаллаорол туман ижтимоий таъминот бўлими мудири: - Бизда 27 нафар 100 ёшдан ошган онахон, 45 нафар 1-гуруҳ ногиронлари рўйхатга олинган. Ҳокимнинг қарорига кўра уларнинг ҳаммаси газ, электр қуввати ва ичимлик сув ҳақи тўлашдан озод этилган. Умумий касаллик туфайли ногиронлик гуруҳи белгиланган 31 нафар аёлга коммунал хизмат ҳақларини тўлашда 50 фоизли имтиёз берилди. Кам таъминланган пенсионерлардан 14 нафарининг пенсиясига ҳар ойда минг сўмдан пул қўшиб берилмоқда, 17 нафар ёлғиз қарияга эса бепул иссиқ овқат ташкил этилган.

Туманимиздаги 361 нафар кам харж пенсионер ва ногиронлар қайта аниқланиб, улар тадбиркорлар ва фермерларга бириктириб қўйилди. Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож қария ва ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатаётганлар сафи кенгайиб бормоқда.

Жумладан, «Маржон сув» сиҳатгоҳи бош шифокори Т.Танабоевнинг таклифи билан 30 нафардан кўпроқ пенсионерларимиз сиҳатгоҳда бепул даволаниб, саломатликларини тиклаб қайтишди.

С.Худоёров, Жиззах шаҳар ҳокими: - Шу қутлуғ йилда шаҳар ҳокимлиги Президентимизнинг аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиб қатор қарорлар қабул қилди. Уларнинг ижроси қатъий назорат остига олинган.

Жумладан, ҳудуддаги барча кам таъминланган оилалар газ, сув ва электр энергияси тўловларидан 50 фоизга озод этилдилар. Кичик бир мисол. Ана шундай оилалардан 82 нафар кишига бир йилда сарфланадиган моддий ёрдамни пулга чақадиган бўлсак, у 2 млн. 737 минг 92 сўмни ташкил этади. Бу маблағ маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади. Келтирилган рақамдан ҳам кўриниб турибдики, бозор шароитига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда ночор оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик сезиларли даражададир.

Ҳокимлигимизнинг махсус қарори билан 113 нафар киши газета ва журналларга бепул обуна қилинди. Булар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларидир. Уларга маҳаллий бюджет ҳисобидан бир йилга 213 минг сўм пул ажратилди. Бу йил тўртта ногирон учун аравачалар сотиб олишга 200 минг, 12 нафар кам таъминланган пенсионерга сиҳатгоҳларга йўлланмалар учун 120 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Хайрия ва меҳр-мурувват тадбирларини амалга оширишда ҳомий ташкилотлар, жумладан банкларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Улар бугунги кунда қарийб ўттиз нафарга яқин кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларни ўз оталиқларига олишган. Шаҳардаги «Назир ота», «Умид», «Озода» хусусий чойхонаси раҳбарлари 10 нафар ёлғиз қарияни ҳар куни бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш ташаббуси билан чиқишди, шунингдек 20-автокорхона раҳбарининг маълум тоифадаги кишиларни йўл чиптали билан таъминлаш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Ҳа, дарҳақиқат, муҳтожларга саховат кўрсатиш, етимларнинг бошини силаш ўзбекларга хос хусусиятдир.

Бу кишилар ўртасидаги меҳру оқибатни янада кўпайтирмоқда.

Ш.МУРОДОВ.

Шу сонга хабар

Барча манфаатдор

Бухорода янги қишлоқ хўжалик техникалари, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларига мўлжалланган мўъжаз тракторлар, кенг халқ истеъмоли моллари минтақавий кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясининг Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тизимлари раҳбарлари, Бухоро вилояти ширкат, жамоа, фермер ва деҳқон хўжаликлари бошлиқлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган икки қаторли пахта териш машинаси, ўт ўриш, қирқиш механизмлари, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган турли мослама ва жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари шу ернинг ўзидаёқ ажратилган квота бўйича консигнация ва лизинг асосида техникаларни харид қилиш бўйича шартномалар тузди.

Кўргазмада «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясининг 17 та корхонасида ишлаб чиқарилган юздан зиёд техника ва механизмларга сифатли сервис хизмати кўрсатиш ҳам кафолатланганлиги намойиш этилди.

Кинофестиваль якунланди

Бухоро вилоятида беш кун давом этган ўзбек миллий фильмлари иккинчи кинофестивали ниҳоясига етди. Киноанжуман давомида «Отамдан қолган далалар», «Севги», «Воиз», «Ёлғиз ёдгорим», «Кичкина табиб», «Тилсимой - ғаройиб қизалоқ» бадиий фильмлари, кўплаб ҳужжатли, мультипликацион ва қисқа метражли фильмлар мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Фестиваль ниҳоясида «Энг яхши аёл роли учун», «Энг яхши ҳужжатли фильм учун», «Энг яхши оператор», «Энг яхши сценарий муаллифи», «Энг яхши қисқа метражли фильм» учун танлови ғолиблари аниқланди. «Отамдан қолган далалар» бадиий фильмини суратга олишга бош-қош бўлган таниқли режиссёр Ш.Аббосов фестивалнинг олий соврини «Гран При» - «Хумо қуши» мукофотига сазовор бўлди. Фестивалнинг яна бир махсус соврини - «Ўзбек миллий киносини ривожлантиришга катта ҳисса қўшгани учун» мукофоти эл севган отахон актёр З.Муҳаммаджоновга топширилди.

(ЎзА)

БЕҒУБОР ҚАЛБ ТУЙҒУЛАРИ

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани «Ийк ота» хўжалигида болаларнинг «Мафтункор ранглар жилоси» деб номланган халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ногиронлар жамияти, «Енграг» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур ўзига хос байрамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган олтмишга яқин ногирон болалар иштирок этди.

Болаликдан ногирон ўғил-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, энг асосийси, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш мақсадида тўртинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирда унинг иштирокчилари турли мавзуларда ранг-баранг суратлар чизишди. Беғубор қалб туйғулари акс эттирилган ҳаёт ва табиат ҳақидаги содда, аммо нозик манзаралар кишини бефарқ қолдирмайди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар, шунингдек, ногиронлар аравачалари билан тақдирланди.

Тадбир давомида унинг иштирокчилари учун ширинликларга бой тўкин дастурхон ёзилди. Турли хил қизиқарли томошалар, викториналар ташкил этилди.

Шу куни бу ерда болаликдан ногирон бўлиб қолишнинг олдини олиш бўйича халқаро илмий-амалий семинар ҳам ўтказилди. Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардан келган олим ҳамда мутахассислар ўзбек шифокорлари билан биргаликда бу борадаги ютуқ ва галдаги вазифалар ҳақида фикр алмашдилар. Хўжаликда жойлашган болалар реабилитация Маркази фаолияти билан танишдилар.

ОРОМГОҲ ЁНИДА СТАДИОН

«Геолог» болаларни соғломлаштириш ёзги оромгоҳи ташкил топганига 40 йил тўлди. Ниҳоятда гўзал ва ўзига хос анъаналарга бой оромгоҳда бу йиллар ичида кўплаб ўғил-қиз ҳордиқ чиқарган ва соғломлаштирилган. Шонли анъаналарни давом эттираётган мазкур болаларнинг севимли маскани беш йилдан бери касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган танлов совриндори бўлиб келмоқда.

Ҳикоямиз ана шу оромгоҳ ҳақида. Ёзги дам олиш маскани Хўжакентга кетаверишда 11,5 гектарлик ажойиб боғ-роғ қўйнида жойлашган. У 480 ўринли ва 14 ётоқ павильонига эга. Оромгоҳ тоғ бағрида бўлгани учун ўйингоҳлар, тўгарак хоналари, ошхона турли баландликларда жойлашган. У ҳам ўзига хос гўзаллик кашф этади. Ётоқхоналарнинг ҳар бири олдида усти берк суҳбатхона бор. Таъбир жоиз бўлса, севимли маскан худди ўрмон ичида жойлашгандек. Ҳаммаёқ қуюқ дарахтзор. Сон-саноқсиз мевали дарахтлар бу ерда саҳий боғбон қўлини сездириб туради. Барқ ҳосилга кирган олма тўплами ҳосилининг кўплигидан шохларини кўтаролмай қолган.

Чўмилиш ҳовузи масканнинг энг юқори қисмига жойлашган. Унга бир неча юз поғоналик зина билан чиқиб борилади. Ана шу зинапояларнинг чап томони қуюқ ўрмонзор.

— Янглишмадингиз, - дейди оромгоҳ бошлиғи Рустам Маҳкамов, - бу ерни яшил ҳудуд деб номлаганмиз. У табиий йўл билан ҳосил бўлган қуюқ ўрмонзорни эслатади. Тарбияланувчилар уни муҳофаза қилишади.

Овқат тайёрлаш бўлими озода, турли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кейинги вақтларда идиштовоқ ювиш хонаси таъмирланди, янги линия ўрнатилди. Бу эса санитария талабларини юқори даражада бўлишини таъминламоқда. Ошхонада шунингдек, турли пиширикдар, қандолатлар тайёрлаш бўлинмаси ишлаб турибди, бу ўғил-қизларга жуда маъқул келмоқда.

Болалар дам олиш масканидаги ажойиб спорт майдонларига эга. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари доимо ишқибозларга тўла.

Маънавият ва маърифат хонаси ёшларнинг энг севимли жойларидан биридир. Киришингиз билан Давлат мадҳияси, республика герби, ўзбек олимлари, зиёлиларининг расмлари, таржимаи ҳолларига кўзингиз тушади. Турли хил танловлар, мусобақа якунлари билан ҳам танишиш мумкин. Оромгоҳда бу хона таълим-тарбия маркази ҳисобланади.

Оромгоҳ катта тарбиячиси Инна Раҳматуллаевани саволга тутамиз.

— Биз ҳар навбатда болаларни қабул қилар экамиз, - деб гап бошлади у, - ишни тантанали Алангага тайёргарликдан бошлаймиз. Қуюқ дарахтзор қўйнида жойлашган концерт майдонида фаолият бошланади. Бу ерда «Алло, биз талантларни излаймиз» танлови ўтказилади. Уларнинг ғолиблари кечки алангада концерт берадилар. Сўнг «Балли қизлар», «Балли йигитлар» танловлари ўрин эгаллайди. «Қувноқ экспресс»да болалар ўз билимларини намойиш этадилар.

Ҳар бир гуруҳ эртаклар асосида инсценировка тайёрлайди «Куйни топ» қўшиқ байрами, рақс олами, топқирлар ва зукколар клуби танловлари ўтказилади. Ҳуллас тадбирларимиз жуда кўп. Жажжилар ҳеч қачон зерикиб қолишмайди.

Тарбияланувчилар вақти-вақти билан табиат қўйнида бир кунлик саёҳатда бўладилар. Доривор ўсимликлар билан яқиндан танишишади. Тян-Шан тоғининг ҳайвонот дунёси ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан тинглашади.

Бу ерда доимо тоза ва салқин тоғ шабодаси кечаю-кундуз эсиб тураркан. Пешинда ҳам еллар насими тинмайди. Мусобақалар ғолиблари бу ерда ҳордиқ чиқариш шарафига муяссар бўладилар.

— Асосий вазифамиз - дейди биз билан суҳбатда «Тошкентгеология» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Вечеслав Протасов, - меҳнаткашлар ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашдир. Болаларни соғломлаштириш, оромгоҳ ишини юқори даражада ташкил этиш ана шу муҳим вазифанинг бир қисмидир. Бу йил оромгоҳимизни уч навбатда ишлата олдик. Унда Орол бўйи болалари ҳам ҳордиқ чиқаришди ва менимча уларга ҳам масканимиз жуда маъқул бўлди.

Б. ПЎЛАТОВ.

Шарҳловчи минбари



Венгрия

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ: ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ВА ЭКОЛОГИЯ

Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида кечган иқтисодий инқироз жаҳон иқтисодиётида қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Бу муаммолар фақат иқтисодиётга эмас, балки бошқа жабҳаларга, жумладан экологияга ҳам таъсир этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунёдаги экологик шароити ёмон аҳволда бўлган 15 мамлакатдан 13 таси Осиёда жойлашган. Минтақадаги аҳолининг учдан бир қисми тоза ичимлик суви, ҳатто энг оддий маиший қулайликлардан ҳам маҳрум. Бу эса аҳоли саломатлигига катта зарар етказаётир.

Экологик муаммонинг кучайиши, аввало, минтақадаги айрим давлатларнинг инқироздан чиқиб олиш учун бюджет харажатларини қисқартириш мақсадида атроф муҳит ҳимоясига ажратиладиган маблағ миқдорини «кесиш»га мажбур бўлгани билан изоҳланади. Шунингдек, иқтисодий инқироз туфайли шаҳарлар аҳолисининг қишлоқларга кўчиши ҳам экологик харитага сезиларли ўзгариш киритди. Мисол тариқасида Индонезияни олсак. Инқироз туфайли авж олган ишсизлик шаҳарлар аҳолисининг оммавий тарзда қишлоқларга кўчиб ўтишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида қишлоқ жойларда шусиз ҳам анча чекланган ер, сув ва ўрмон захираларига талаб кескин ошди.

Индонезия статистика маҳкамаси 1997 йилнинг феврал ойидан буён шу кунгача қишлоқларга кўчиб ўтган 5,6 миллион кишини рўйхатдан ўтказди.

Ҳозир Осиё давлатларининг инқироздан чиқаётгани кузатилаётган бўлса-да, минтақада экологик муаммоларни ҳал этишда силжиш кўринмаяпти. Экология ҳимоячиларини айни шу ҳол ташвишга солаяпти. Уларнинг хавотири ҳам албатта ўринли. Чунки миллий пулларнинг заифлиги туфайли уларнинг кучли хорижий валюталарга эҳтиёжи катта. Шу сабабли, ҳукумат раҳбарлари денгиз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ўрмон захиралари ва минерал хом-ашё экспортини оширишга мажбур бўлмоқда. Амалга оширилиши кутилаётган кўплаб қишлоқ хўжалик лойиҳаларига кўра, экин майдонлари кенгайтирилиб, ўрмонзорлар ҳудуди жуда қисқариб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, Индонезиянинг палма ёғи ҳамда қоғоз саноати учун хом-ашё ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатга айланиш дастурига биноан, 1994 йилда 3,8 миллион гектарни ташкил этган плантация майдони дастур амалга оширилгандан кейин 8 миллион гектарни қамраб олади.

Шу ўринда, инқироз туфайли тропик дарахтлардан олинувчи ёғочга талаб пасайгани экология учун маълум маънода фойдали бўлганини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Осиёдаги асосий талабгорлар бўлмиш Япония ва Жанубий Корея Жанубий-шарқий Осиёдан ёғоч маҳсулотлари импортини 30 фоизга камайтирди. Бу билан Малайзия, Камбожа ҳамда Индонезия каби мамлакатларда 20 йилдан буён давом этаётган ёғоч тайёрлаш саноатини кенгайтириш режасига чек қўйилди.

Азиз ҒОЙИБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Мустақиллигимизнинг 8 йиллигига

ТАРИХ - ХОТИРА МАШЪАЛИ

Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши хусусида

Ҳар бир кунгина эмас, хатто дақиқалар ҳам тарихдир. Чунки ана шу сонияларда инсоният ҳаётида улкан ўзгаришлар, кутилмаган ҳодисалар ёки узоқ ўйланиб, режалаштирилган ишлар амалга ошиши мумкин. Башарият ҳаётида рўй берган ҳодисотларнинг барчаси ҳам тарихдир. Унинг зарваракларига ёзилган ўтмишни ўзгартиришга, бўяб-бежашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бироқ, мустабид тузум минг йилликларни ўз ичига олган ўзбек халқи тарихини, худди тили, дини ва миллий қадриятлари сингари ўзгартиришга, пировард-натижада йўққа чиқаришга интилди. Шукурки, мустақиллик берган имкон туфайли тарихимизни теран англаш, чуқур ва атрофлича ўрганиш йўлида салмоқли тадқиқотлар олиб борилаяпти. Кўплаб тарихчи, шарқшунос ва қадимшунос олимларимиз йиллар тўзони остида қолиб кетган, ёт мафкура тазйиқи билан ўзгартирилган ҳақиқий тарихимизни яратиш мақсадида қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар.

Шундай захматкаш олимларимиздан бири тарихчи, филолог ва ёзувчи Мажид Ҳасанийдир. Мухбиримиз мустақиллигимизнинг 8 йиллиги олдидан тарихчиларимиз олиб бораётган ишлар хусусида у билан суҳбатлашди.

- Домла, сиз тарихчи олим, филолог ва ёзувчи сифатида ярим асрдан буён тарихимизнинг ҳали тўлиқ ёритилмаган, замон эврилишлари, нотайин сиёсат ва мустабид тузум мафкурасининг улкан соялари остида қолиб кетган қоронғи томонлари талқинига доир кўплаб китоблар, рисолалар ёздингиз, қатор мақолалар эълон қилдингиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Тарих дарсликларида, тарихий китобларда, адабиётларда ҳамда вақтли матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва мустамлака даври тарихи ҳар хил ёзилмоқда. Кўп ўринларда бу сана 130-140, баъзан эса 150 йил сифатида кўрсатилмоқда. Сиз тадқиқотчи олим сифатида бундай ҳар хилликларга қандай аниқлик киритган бўлардингиз?

- Мен Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниш тарихини, гарчанд у бир неча босқичдан иборат бўлса ҳам, асосан, икки катта босқичга бўлиб кўрсатган бўлардим. Биринчи босқич подшо Пётр I томонидан княз Бекович-Черкасский бошлиқ 7 мингга яқин аскардан иборат ҳарбий отряднинг 1717 йилда Хивага бостириб келиши билан бошланади. Лекин босқинчилар Хива хони Шерғозихон томонидан тор-мор этилади. Бу Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиш мақсадида бошланган ҳарбий ҳаракатлари давомидаги Хива хонлигидан кўрган биринчи талофати эди.

Иккинчи босқич граф генерал Перовский бошлиқ 15 та рота, 3 полк казак, 16 та замбарак билан қуролланган ҳарбий отряднинг 1839-40 йиллари Хивага қарши қонли юриши билан бошланади. Чор Россиясининг босқинчи ҳарбий отряди бу гал ҳам мағлубиятга учрайди. Император Пётр I нинг Ўрта Осиёни забт этиш орқали шарқни эгаллаш режалари барбод бўлади.

Кейинчалик Россиянинг Туркистонга ҳарбий юришларини 1856-60 йилларда генерал Перовский, Веревкин, Черняев, Кауфман, Романовский, Абрамов, Скобелев, Куропаткин бошлиқ ҳарбий отрядлар давом эттирди.

Демак, Россия империясининг 1717 йилги Хивага қарши биринчи ҳарбий юришига салкам 300 йил, аниқроғи, 274 йил бўлган. Ўрта Осиёни босиб олиш мақсадидаги Хивага қилинган иккинчи ҳарбий юришга эса 150 йилдан ошди. Бу тарихий ҳақиқатни рус олимлари, ҳарбий тарихчилари, босқинчи генераллари ўзлари ёзиб қолдиришган.

Агар биз чор Россиясининг 1839-40 йиллардаги Хива хонлигига қарши босқинчиликдан иборат ҳарбий юришини ҳисобга олсак, унга 150 йилдан ошибди. Биз саланинг бу томонини илк бор 1992 йилда чоп қилинган «Туркистон босқини» рисоламизда ва 1997 йилда нашр этилган «Юрт бўйнидаги қилич» номли китобимизда кенг ва атрофлича ёритганмиз. Тарихчи олимлардан Ҳ.Зияев, Ҳ.Бобобеков, Ш.Карим, Ҳ.Содиқов, Ж.Раҳимов, Р.Шамсиддинов ва бошқа тадқиқотчилар ҳам бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини айтганлар.

- Хабарингиз бор, Юртбошимиз Ислом Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашиб, улар олдига янги, халқимизнинг ҳақиқий тарихини яратиш масаласини қўйгандилар. Мана шунга ҳам бир йилдан ошди. Йил давомида қандай ишлар амалга оширилди? Ҳақиқий тарихимизни яратиш учун яна нималар қилиш лозим?

- Тарихимиз, қадриятларимиз, ўтмиш меросимизга ўта жонкуярлик ва масъулият ила ёндошаётган Президентимизнинг тарихчи олимлар билан учрашувлари айни муддао бўлди. Менимча, тарихимизни тўғри, ҳаққоний ёритишда энг иқтидорли, тажрибали тарихчи ва шарқшунос олимларимиз фаол қатнашишлари лозим. Шарқ тарихини, адабиётини, араб, форс-тожик тилларини, туркий халқларнинг асл манбаларини яхши биладиган билимдон олимлар ягона мақсад йўлида бирлашишлари зарур. Олимларимиз қўлни-қўлга бериб, тарихни тилга киритсалар, халқимизнинг ўтмишини, эрку озодлик йўлидаги курашларини ҳаққоний ёритсалар, мукаммал тарихни яратсалар, бугунги ёшлар ва келгуси авлод халқимиз ўтмишига оид ҳақиқатни билган бўлур эдилар.

Шу ўринда император Пётр I нинг Ўрта Осиёни забт этиш ҳақидаги махфий ҳарбий режаларидан бир-икки мисол келтирайлик. Подшо бутун шарқни босиб олиш, бунинг учун эса Туркистонни, қўшни Туркияни мағлуб этиш фикрида эди. «Шарқ билан алоқада Қозоғистон тасарруфи калит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам Қозоғистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса, у ерда Россия таъсирини ўтказиш зарур», деб кўрсатма берган эди.

Император Пётр I нинг ворисларидан бўлмиш Оренбург генерал-губернатори В.Перовский: «Руслар бу ерлар - Ўрта Осиёга бир-икки кунга эмас, балки абадул-абад келган. Энди орқага қайтиш йўқ!», деб ёзган бўлса, унинг маслакдоши, қуролдош дўсти босқинчи генерал М.Скобелев: «Дунё славянларники, славянлар эса Россияники», дея мағрурона башорат қилганлиги айнан тарихий ҳақиқат.

Эндиги вазифа кимнинг кимлигини билиб, ўтмиш тарихимизни ҳалол, холисона ва ҳаққоний ёзиб қолдиришдан иборат. Зотан, тарих - ҳақиқат чироғи. Уни ўчириб ёки йўқотиб бўлмайди. Тарих - хотира машъали. Бу машъаланинг сўнишига, бу чироқнинг ўчиб қолишига ҳеч қачон йўл қўймаслигимиз керак. Ёшларимиз, илмга чанқоқ, билишга ташна ва тиришқоқ ўғил-қизларимиз аждодлари тарихини севиб ўргансалар, ҳақиқатни билишга интилсалар, бу чироқ абадул-абад уларнинг йўлларини ёритиб туради. Зотан, буюк келажак сари дадил йўл олган, эзгу мақсадлар йўлида шахдам одимлаётган ёшлар қўлида ана шундай ҳақиқат чироғи бўлмоғи лозим.

Суҳбатдош: Қ. ТЕМИРОВ.



Боғча - маҳалла - оила

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА КУЛГУ ЯРАШАДИ

Болалар боғчаларида тарбия топаётган болажонларимизга ватанпарварлик, раҳмдиллик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, садоқат каби туйғуларни сингдириш, Она-Ватан тушунчасини англатиш асосий вазифалардан биридир.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 567- болалар боғчасида шу мақсадда ажойиб тадбир ўтказилди.

Болалар ва уларнинг ота- оналари иштирокида ўтган ушбу тадбирда Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган янгиликлар, оилада фарзанд тарбиясига тўғри ёндошиш хусусида фикр юритилди.

- Болажонлар қалбида Ватан, маҳаллага нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишга ҳаракат қилаяпмиз, - деди 567- болалар боғчаси мудираси Мастура Мирсоатова. - Шунингдек, кичкинтойларга таълим берувчи боғча опанинг ҳам билим ва савияси юқори, дунёқараши кенг, ижтимоий-иқтисодий, жабҳалардан хабардор бўлиши даркор.

Йиғилишда боғча тарбиячилари З.Раҳимжонова, Д.Илёсова, М.Мадалиевларнинг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Аёл оила чироғи», «Ватанни севмоқ иймондандир» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Аъло кайфият ва ошкора мулоқот тарзида ўтган бу тадбирда боғчанинг мусиқа раҳбари Холида Холметова бошчилигидаги «Дуторчилар дастаси» «Қизгина», «Она диёрим», ўзбек халқ лапарлари каби куйларни, бадиий раҳбар Моҳичеҳра Исломова саҳналаштирган жозибадор рақсларни шунингдек, ажойиб шеър ва бадиий чиқишларни боғча тарбияланувчилари моҳирона ижро этдилар.

Муҳаббат ДАВРОНБЕК қизи,
Суратларда: 567-Болалар боғчаси тарбияланувчилари.

Ёз-ўтмоқда соз

Қибрай туманининг Қибрай шаҳарчасида жойлашган Мавлуда Раимова раҳбарлигидаги Шароф Рашидов номли 1-ўрта умумтаълим мактаби қошида бир неча йилдан бери ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумида мактаб-оромгоҳи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ушбу мактаб тумандаги энг йирик билим даргоҳларидан бири бўлиб, унда 1500 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олади. Жисмоний тарбия ва меҳнат фанларига эътибор катталиги сабабли ушбу илм масканни спорт соҳасида энг илғор мактаб сифатида тан олинди.

«Соғлом авлод учун» шиори остида иш юритаётган «Нилуфар» номли оромгоҳни вилоят касаба уюшмаси ўз оталиғига олган. Унда дам олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун имтиёзлар яратилган. Хусусан, уюшма мактаб-оромгоҳи харажатларнинг 90 фоизини ўз зиммасига олган.

Спорт майдончалари, чўмилиш бассейни, компьютер хонаси, лаззатли таомлар тайёрлаб берувчи мактаб ошхонаси болалар хизматида. Бунда мактаб-оромгоҳи раҳбари С.Исматова, ўқитувчи-тарбиячилар А.Абдураҳмонов, Р.Осипян, Н.Сатторова, М.Усмоноваларнинг ҳиссалари катта.

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

У. ХАЛИЛОВ,
талаба.

Ҳар тўғрида

ТАБИАТ МУСИҚАСИ

Британия радиоэшиттириш уюшмаси ҳар йили «Табиат овози» деган мавзуда танлов ўтказади. Унда махсус ёзиб олинган мингларча овозларга баҳо берилади. Улар орасида қушларнинг сайраши, шалола шовқини ҳам бор.

Дастлабки қарашда кўршапалак мутлақо овоз чиқармай учадиган жонивор бўлиб туюлади. У ҳар қандай қоронғиликда ҳам ҳеч нарсага урилмай йўл топиб боради. Лекин кўршапалак ўзига керакли йўл топиши учун парвоз пайтида чиқарадиган ультратовуш сигналларининг кучи баъзан 145 децибелгача боради.

Реактив самолётининг ердан кўтарилиши чоғида-ги шовқини ҳам, одам эшитадиган диопозонда, албатта, ана шу даражага етади.

Шумтол овози ҳам қизиқ. Шоҳ-шабадалардаги шамол шовқини эмас, балки шумтолнинг ўз овози - дарахт танасидаги ширанинг илдиздан шохларга томон оқишидаги ажойиб товушидир.

Ёзиб олинган яна бир товуш ҳам эътиборни ўзига тортади. У қайиқ моторининг овозини акс эттирган кучайтирилган бу овоз кичкинагина бир қўнғизчаники экан.

Шуниси қизиққи, бу овозлар ғаройиб овозлар мукофотига сазовор бўлди.

* * *

● Ботаниклар ғўза ўсимлигининг 40 га яқин тури борлигини аниқлаганлар. Шундан тўрттаси кўпгина мамлакатларда экилади, қолганлари ёввойи, табиий ҳолда ўсади.

● Кўпгина ўсимликлар бир соатда ўртача 0,3 миллиметр ўсгани ҳолда, қўзиқорин соатига 30 сантиметр тезликда ўсади.

Жаҳон чемпионлари

Мамажон МУҲИТДИНОВ

МАЙЯ ЧИБУРДАНИДЗЕ

У ҳақли равишда шахмат маликаси номини олганда бор-йўғи 17 ёшли қизалоқ эди. Таль, Фишер, Карпов сингариларнинг шиддатли парвози шахмат тарихига аён. Лекин 17 ёшида жаҳон чемпиони бўлган шахматчини тарих ҳали билмасди. Яна шуниси ажабланарлики, бунда зиғирдай ҳам тасодифийлик рўй бермади. Тасодиф туфайли бирор турнир ёки матчда ғолиб чиқиш мумкин. Аммо жаҳон чемпиони бўлиш - асло тасодиф эмас.


Бошқалар қанақа бўлса у ҳам шундай бошлади. Доналар қандай юришини Майяга акаси кўрсатди. Лекин қизча шахмат тахтасининг оқ-қора катакчалари ҳамда уларда ҳаракатсиз турган доналар замирида биринчи устози ўйлаганидан кўра кўпроқ нарсани кўрди. Шунинг учун бўлса керак, жуда ҳам ёш чоғиданоқ бошқалар қандай ўйнашини томоша қиларди. Майянинг одатдан ташқари шахмат қобилияти тез орада агроном Чибурданидзе оиласи яшайдиган Кутаисининг спорт доираларида маълум бўлди.


Майянинг шахматдаги дастлабки қадамлари худди тенгдошлариникидек бўлди: Ўқувчилар саройидаги шахмат тўгараги, мактаб турнирларига қатнашди. Лекин шахматчи қизча тенгқурлари орасида ўзининг хотираси, идроки билан ажралиб турарди. У ҳамма нарсани дарров илғаб оларди. Лекин ҳар қалай бир куни маҳаллий газета таҳририятида унга жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвилининг портретини «Бўлажак жаҳон чемпиони Майяга» деган ёзув билан совға қилишганда кўпчилик буни бир ҳазил-мутойиба гап деб билган эди. У пайтларда шундай ёзувга асос йўқ эди ҳали.

Кейинроқ яна бир неча йилдан сўнггина унинг дастлабки устозларидан бири мамлакатда хизмат кўрсатган тренер, мастер Михаил Шишов ўзининг 40 йиллик ўқитувчилик фаолиятида бундай истеъдодли қизнинг кўрмаганлигини айтиб: «Майя агар таъбир жоиз бўлса, мутлоқ шахмат истеъдодига эга» дейди.

Қизчани яна бир нарса - йиллар ўтиши билан зарра-ча сусаймаган, аксинча ортиб борган чексиз шахмат иштиёқи фарқлаб турарди. Жаҳон биринчилиги матчи бошланмасидан ҳиёл олдинроқ Майянинг Вильнюсдаги кучли халқаро эркаклар турнирида қандай ўйнаганлиги ёдга келади. Бундай мусобақада қатнашиш - ҳар қандай шахматчи учун қийин синов эканлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. У жисмоний ҳамда ижодий кучларни буткул сарфлашни тақазо этади. Турнир тугагач Майядан унинг таассуротлари ҳақида сўраганларида: сираям чарчамадим, ҳозирнинг ўзидаёқ шахмат тахтаси ёнига ўтиришга тайёрман, деб жавоб қилади.

Шундай қилиб, пайти келиб ажойиб мева берадиган ниҳол бўй кўрсатди. Лекин энди у ўсиб-улғайиши, камол топиши лозим эди. Майянинг омади юришди. Бошиданоқ у шахматни ҳамма ҳурматлайдиган муҳитга тушиб қолди, уни тажрибали педагоглар, оқил устозлар қуршади, ўзи ҳам сернеъмат грузин диёрида ўсиб-улғайган жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили Майянинг шахматда энг севган сиймоси бўлди. Бинобарин, унинг Гаприндашвилига ўхшаб отаси билан республика шахмат маркази - Тбилисига кўчиб келганлиги таажжубланарли эмас.





Биз ёш шахматчининг такомиллашуви қандай ўтганини ҳикоя қилиш билан вақтингизни олмаймиз. У кўп ўрганди, ёнида зукко педагоглар бор эди. Ҳеч ким унинг шахмат тафаккуридаги мустақилликни инкор этмади, тўғри келса-келмаса барча спорт заруратларини унга тиқиштиришга уринмади.

Майя спортчи характерга эга эди. Бу нарса унга қийинчиликларни енгишга кўмаклашди, мардлик ва куч ато этди. Бу қийин курашда у биринчи жаҳон чемпиони Стейниц қанчалик ҳақ эканлигини тушуниб етди: «Шахматни руҳан ожиз кишиларга чиқармаган» деганди кунлардан бир куни Стейниц.

Майя ўйнаган барча мусобақаларни санаб чиқишнинг ҳожати йўқ. Нечанчи уринишда - биринчисидами ёки бошқасидами - мактаб ўқувчилари ўртасида мамлакат чемпиони бўлганининг унчалик аҳамияти йўққа ахир. Лекин унинг спорт биографиясида шундай чўққилар бўлганки, уларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Руминияда ўтказилган халқаро турнирдаги ажойиб муваффақиятини эсламай бўладими: тажрибали рақиблари билан яккама-якка олишувда 13 ёшли шахматчи қиз 3 тур олдин ўзига биринчи ўринни таъминлаб халқаро мастерлик талабларини адо этиб, зўр ғалабага эришган эди!

(давоми бор)

Мароқли машқлар

Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 24.00
Буюртма Г— 0648.
1 2 3 4 5 6